# ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Анъанавий Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси бу механизм ривожланиш борасида катта салоҳиятга эга эканини ёрқин намоён этмоқда. Аввалги тўрт ярмаркада янгиликларни жорий этиш бўйича имзоланган шартномаларни бажариш натижасида қиймати 307,6 миллиард сўмга тенг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинди, 17,9 миллион АҚШ долларига тенг импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрланди, 3,3 миллиард сўмлик энергия ва ресурсларни тежашга эришилди. Яна шуни қайд этиш жоизки, инновациялар ярмаркалари бутун йил давомида илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам бераётир. Ярмаркалар оралиғида тармоқлар ва корхоналар буюртмалари тўпланиб, таҳлил қилинмоқда, ҳамкорлар топилмоқда ва аниқ ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қаратилган лойиҳалар биргаликда такомиллаштирилмоқда.

Ярмаркада намойиш қилинаётган ишланмаларга қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бораётир. Масалан, бешинчи инновацион ярмаркада иштирок этиш учун илм-фан, таълим, конструкторлик ташкилотлари ва алоҳида ихтирочилар томонидан 814 ариза берилди. Вазирликлар, идоралар ва йирик компанияларнинг етакчи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи улардан 505 энг истиқболли технология, инновацион ғоя ва лойиҳаларни, шу жумладан, аввалги ярмаркаларда қатнашган, аммо катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлмаган 154 тасини танлаб олди.

Ярмаркада тақдим этилган янги ишланмаларнинг 154 таси саноатни, 55 таси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, 85 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, 56 таси ахборот технологиялари соҳасини, яна 16 таси илм-фан ва таълим



соҳасидаги янгиликларни ривожлантиришга қаратилган. Энг муҳими, хўжалик юритувчилар уларнинг аксарияти билан дастлабки тақдимот маросимларида танишиш ва ярмарка бошланишидан олдин бўлажак ҳамкор-олимларни аниқлаш имкониятига эга бўлди.

Бу галги инновациялар ярмаркаси бир неча ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, унда илк бор махсус «Технологиялар трансфери» бўлими ташкил этилди. Бу ерда ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тайёр ва ўзлаштирилиши катта иқтисодий самара берадиган 50 ишланма намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида яратилган суюқ фосфор ва таркибида олтингугурт мавжуд селитра олиш технологияси, Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий этишга мўлжалланган полиуретан ва пенополиуретанлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос услуби, нефть ва газ саноати, хусусан, технологик суюқликлар ҳамда газни тозалаш, нефть ва газ конденсатининг қолдиқ захирасини ажратиб олиш бўйича қатор технологиялар шулар жумласидандир. Ушбу бўлимда намойиш этилаётган биотехнологиялар, энергетика, ресурс тежаш ва металлургия соҳасига оид ишланмалар, хусусияти олдиндан белгиланган янги материаллар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шуниси эътиборлики, уларнинг ҳаммаси маҳаллий хомашё, кўпинча ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, улар негизида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиш, кейинчалик экспорт қилиш учун мўлжалланган.



– Биз ярмаркада мис ишлаб чиқариш бўйича энергия ва ресурс тежайдиган чиқиндисиз, экологик тоза технологиямизни намойиш этмоқдамиз, – дейди «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси илмий-техник комплекси раисининг ўринбосари Маҳмуджон Ёқубов. – У «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти учун мўлжалланган ва ушбу корхона чиқиндиларини қайта ишлашга асосланган. Комбинатда синовдан ўтказилган ушбу технология қўшимча равишда бир минг тоннадан ортиқ мис олиш билан бир қаторда, қайта ишлангандан сўнг қолган шлаклардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини беради. Ўтган йилги ярмаркада қиймати 50 миллион сўмлик шартнома тузган эдик ва уни амалга оширдик. Бешинчи инновациялар ярмаркасидаги иштирокимиз янада самарали бўлишига ишонамиз.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига қарашли ўқув юртлари ва илмий бўлинмалар ҳам мазкур ярмаркада кўплаб ишланмаларни тақдим этган. Бу эса мамлакатимиз таълим соҳасининг илмий салоҳияти ўсиб бораётганидан далолатдир. Истеъдодли ёшлар – олий таълим муассасалари талабалари ва «Келажак овози» республика танлови ғолиблари томонидан яратилган технологиялар, ғоялар ҳамда лойиҳалар ўзига хослиги, янгилиги ва амалий аҳамияти билан ажралиб туради.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси улушига тўғри келади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, уларнинг миллий иқтисодиётимиз таркибидаги ўрни тобора юксалмоқда. Мамлакатимизда эълон қилинган жорий Мустаҳкам оила йилида уларнинг истиқболли, анъаналаримиз ва хўжалик юритиш тарзимизга мос янги тури – оилавий бизнес жадал ривожланмоқда. Бу сектор истеъмол талабини қондириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда. V Республика ярмаркасида бундай корхоналар учун ҳам кенг турдаги мини-технологиялар ва ускуналар намойиш этилаётир. Улар қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш, сақлаш ва жаҳон стандартлари даражасида қадоқлаш учун мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда гелиоиссиқхоналарнинг ихчамлаштирилган вариантлари, биогаздан энергия ишлаб чиқарадиган қурилмалар, микро-ГЭС, такомиллаштирилган тўқиш ва тикиш дастгоҳлари ҳам кенг ўрин олган. Муҳими, уларнинг барчасидан фойдаланиш осон ва иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Шу боис, ярмаркага келган фермерлар, кичик, хусусий ва оилавий корхоналар раҳбарлари уларни сотиб олишга катта қизиқиш билдирмоқда.

– Ярмаркада кўплаб янги лойиҳалар ва ишланмалар билан қатнашмоқдамиз, – дейди "Magna Technologies" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Евгений Мазо. – Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш, рақамли телевидение учун қабул қилиш антенналари, енгил пластик материалдан тайёрланган микро-ГЭС, шамол генераторлари учун зилзилага бардошли электр двигатель шулар жумласидандир. Илмий-технологик фирмамиз фаолияти мамлакатимизнинг жадал юксалиб бораётган иқтисодиёти, жумладан, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес талабларини таъминлашга қаратилган. Олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг амалий ҳамкорлигини кенгайтиришга ёрдам бераётган ушбу ярмарка туфайли янги шериклар топдик, мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган янгиликларни жорий этишга оид дастлабки шартномалар туздик.

Ярмарканинг дастлабки кунидан шартномалар имзолаш бошланди. Банклар, суғурта компаниялари, Интеллектуал мулк агентлиги мутахассислари, технологиялар трансфери бўйича маслаҳатчилар ушбу шартномаларни расмийлаштириш, янгиликларни ўзлаштириш учун имтиёзли кредитлар олишда ёрдам бермоқда.

Инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ҳам бўлиб ўтди.

Ярмарка доирасида «Ўзбекистонда муқобил энергетика ва уни ривожлантириш истиқболлари», «Инновацион фаолиятни ривожлантиришда илмий-техник ахборотнинг роли» мавзуида семинарлар ўтказилади. Ярмарка якунида эса «Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар» мавзуида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

Моҳиятан ўзи ҳам янги технологияга айланган республика инновациялар ярмаркаси олимлар ва хўжалик юритувчиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини, мамлакатимизда яратилган илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизмини қўллашни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Унинг асосида иқтисодиётни инновацион янгилаш давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган мақсадга эришиш – дунёнинг ривожланган давлатлари сафига қўшилишга ёрдам беради.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

# ИЖОДИЙ КАМОЛОТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Ажратилган мукофот фонди қарийб 189 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилги мукофот жамғармасидан салкам 40 миллион сўм кўпдир. Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилди.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари таҳририяти (бош муҳаррири Баҳромжон Обиджонов) – махсус диплом ва республикамиздаги энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, "Минтақавий мулоқот" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

– Президентимиз томонидан миллий журналистика равнақи йўлидаги рағбат ва эътиборни, ғамхўрликни кундалик фаолиятимиз давомида ҳамиша ҳис этиб яшаймиз, – дейди танлов ғолиби, Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканалининг катта муҳаррири Лалахан Нураддинова. – Бу танлов ҳар бир қаламкашни ўз фаолиятини танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан баҳолашга, тезкор давр талаби асосида ижод қилишга, фаолиятига янгича ёндашишга ундайди. Янада фаол бўлиб, изланиш, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам тарзда юртимиз манфаатларига хизмат қилиш орқали билдирилган юксак ишончни оқлайман.

– Мамлакатимизда вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган, – дейди "Олтин қалам" VII Миллий мукофотининг "Энг яхши матбуот хизмати" номинацияси ғолиби, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати бошлиғи Асқар Хайдаров. – Бундай юксак эътибор ва рағбат ахборот хизматларининг аҳолини ишончли ахборотлар билан таъминлаш борасидаги масъулиятини янада оширишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ**

**"Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари таҳририяти** — бош муҳаррир — **Баҳромжон Обиджонов** *(Вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзулардаги чуқур таҳлилий материаллари учун).*

**АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

**1-ўрин:**
**Саида Давлетова** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион дастурлари бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси *(Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик йўналишидаги туркум кўрсатувлари учун).*

**2-ўрин:**
**Фарҳод Тўраев** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари *(Диний экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган туркум кўрсатувлари учун).*

**3-ўрин:**
**Насиба Мақсудова, Муслимбек Йўлдошев** — НТТ телеканалининг "Дийдор ширин" кўрсатуви муаллифлари ва бошловчилари *(Маданий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлари учун).*

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

**1-ўрин:**
**Давлатмурод Мўминов** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим муҳаррири *(Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгиланишлар ва буюк ўзгаришлар тўғрисидаги туркум эшиттиришлари учун).*

**2-ўрин:**
**Нодавлат радиостанциялар тармоғи (НРТ)** — бош муҳаррир — **Наврўз Аширматов** *(Республикамиз аҳолисига ахборотни тезкор ва холис етказиб беришга қўшаётган ҳиссаси учун).*

**3-ўрин:**
**Лалахан Нураддинова** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканалининг катта муҳаррири *(Маънавий-маърифий мавзудаги туркум материаллари учун).*

**Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):**

**1-ўрин:**
**Анна Иванова** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири *(Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, эришилаётган ютуқлар ҳамда содир бўлаётган муҳим воқеа-ҳодисаларни кенг ёритган мақолалари учун).*

**2-ўрин:**
**Фаррух Ҳамроев** — "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири ўринбосари *(Ўзбекистонда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар, илм-фан соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда глобал экологик муаммолар таҳлилий ёритилган материаллари учун).*

**3-ўрин:**
**Ҳулкар Кузметова (Тўйманова)** — "Маърифат" газетаси бўлим муҳаррири *(Халқимизга хос эзгу фазилатлар, уларнинг турмушдаги аҳамиятини кўрсатишга бағишланган "Хислат" рукнидаги туркум мақолалари учун).*

**Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):**

**1-ўрин:**
**Любовь Эберзенок** — "Uzreport.com" интернет-портали масъул муҳаррири *(Мамлакат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун).*

**2-ўрин:**
**Бахтиёр Абдукаримов** — "Анадолу" ахборот агентлиги мухбири *(Хорижий ОАВда чоп этилган Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши мақолалари учун).*

**3-ўрин:**
**Шавкат Аҳмедов** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Хўжа Аламбардор" жомеъ масжиди имом-ноиби *(Маънавият, маърифат ҳамда диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган туркум материаллари учун).*

**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР БЎЙИЧА:**

**Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:**
**Маҳмуд Саъдинов** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

**Фаол фуқаролик позицияси учун:**
**Мансуржон Рихсиев** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот бўлинмаси катта инспектори, "Автоҳамроҳ" журналининг жамоатчи мухбири

**Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**
**Ботирали Шодиев** — "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири

**Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**
**Ферузахон Сиддиқова** — Андижон вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари – радио гуруҳи раҳбари

**Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун:**
**Мирмуҳсин Мирзокиров** — "Давр" газетасининг масъул котиби (Наманган вилояти)

**Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун:**
**Зулфия Файзуллаева** — "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун:**
**Одина Каримова** — "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири

**Энг яхши журналистик текширув учун:**
**Нодира Самандарова** — Навоий вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири

**Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:**
**Дилбар Кенжаева** — "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири

**Энг яхши режиссёрлик иши учун:**
**Шерзод Мирпўлатов** — ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош режиссёри

**Энг яхши матбуот хизмати:**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати** — Ахборот хизмати бошлиғи Асқар Хайдаров

**Энг яхши фоторепортаж учун:**
**Бахтиёр Акрамов** — "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари фотомухбири

**Энг яхши карикатура учун:**
**Ҳасан Султонов** — Эркин ижодкор (Самарқанд вилояти)

**Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун:**
**Ли Чуйфа** — "Цзинцзи Жибао" газетасининг Тошкентдаги мухбирлик пункти мудири (Хитой Халқ Республикаси)

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАРИ:**

**БМТ**

**БМТнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни мавзусини ёритгани учун:**
1. **Нодира Мақсудова** – "Гранд" радиостанциясининг шеф-муҳаррири

**ЮНЕСКО**

**Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва демократлаштириш, сўз ва ахборот олиш эркинлиги мавзуларини ёритгани учун:**
1. **"Ҳуррият" мустақил газетаси таҳририяти** – бош муҳаррир **Ўктам Мирзаёров**

**ЖАҲОН БАНКИ**

**Энергия самарадорлигини ошириш масалаларини ёритгани учун:**
1. **Майрам Аҳмедова** – "Соғлом авлод" газетаси мухбири

**"МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ" ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (СЛОВЕНИЯ)**

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусини ёритгани учун:**
1. **Анорбой Норқулов** – "Мирзаобод" газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти)
2. **Руслан Сабуров** – "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари мухбири (Навоий вилояти)

# "ҲАЁТ УЧУН!" ХАЙРИЯ ФОРУМ-МАРАФОНИ

**Тошкентда 1 май куни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, Сьюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди (АҚШ) ва «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Ҳаёт учун!» хайрия форум-марафони ўтказилди.**

Ўзбекистонда илк бор кенг кўламда ўтказилган ушбу форум-марафонда уч йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 100 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Жорий йилда мазкур лойиҳа Тошкент шаҳрида 20 мингдан ортиқ ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида қарийб 40 минг иштирокчини қамраб олди. Бундай кенг кўламли хайрия марафонларини ташкил этиш кўкрак бези саратони касаллигига қарши курашишга жамоатчилик эътиборини қаратиш ва манфаатдор одамларни жалб этиш имконини бермоқда.

Бу йилги марафонда маданият ва санъат, эстрада, кино, театр намояндалари, спортчилар, шифокорлар, дипломатик корпус, жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижлик меҳмонлар, талабалар, мактаб ўқувчилари, жисмоний имконияти чекланган одамлар, марафонларнинг вилоятлардаги энг фаол қатнашчилари, бир сўз билан айтганда, хайр-саховат ҳамда хотин-қизлар саломатлигини сақлаш ғоясига бефарқ бўлмаганлар иштирок этди.

Марафон-2012 беш босқичда бўлиб ўтди: 1) инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича югуриш, 2) ёш болали оилалар, 3) мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари, 4) турли ташкилотлардан хотин-қизлар, шифокорлар ва дипломатик корпус вакиллари, 5) талабалар, кўнгиллилар, артистлар, спортчилар.

Тадбир давомида старт ва финишда кўкрак безини текшириш бўйича рисолалар тарқатилган ахборот пунктлари ташкил этилди ва уларда шифокорлар саволларга жавоб қайтарди.

Лойиҳани қўллаб-қувватлаган ва Марафон-2012да иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган хорижий давлатлар вакиллари орасида АҚШ, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Италия элчихоналари, ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, БМТ, БМТ Тараққиёт дастури (UNDP), Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Конрад Аденауэр номидаги жамғарма, Жаҳон банки, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва бошқалар бор.

Пойтахтимизда марафонни ўтказиш арафасида кўкрак бези саратонига қарши курашга бағишланган қатор лойиҳалар амалга оширилди. 23 апрель куни "Жар" стадионида театр, кино актёрлари, эстрада ижрочилари ва мусиқачилар, шунингдек, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази кўнгиллилари ўртасида "Футбол ҳаёт учун!" хайрия футбол учрашуви бўлиб ўтди.

28 апрель куни «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси ва АҚШнинг Сьюзен Комен номидаги саратон касаллигига қарши курашиш халқаро фонди томонидан Ўзбекистонда кўкрак бези саратонига чалинган хотин-қизларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Пенсия жамғармаси, фармацевтика компаниялари, маънавият муассасалари вакиллари, шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кўкрак бези саратони билан касалланган хотин-қизлар иштирок этди.

Форум-марафони Ўзбекистонда 2010 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Анъанага кўра, унда тўпланган маблағлар «Ҳаёт учун!» кўкрак бези саратони миллий уюшмасининг дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2011 йилги марафон якунлари бўйича соҳа мутахассислари (онкогинеколог, маммолог, УЗИ мутахассиси, психолог) томонидан мамлакатимиздаги 11 минг нафардан ортиқ хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга маслаҳатлар берилди. «Ҳаёт учун!» миллий уюшмасининг бундай тадбирларида Жанубий Корея, АҚШ, Исроилдан келган шифокорлар ҳам иштирок этди. Истиқболда тажриба алмашиш мақсадида ўзбекистонлик шифокорларни Жанубий Кореяга юбориш режалаштирилмоқда.

Уюшма лойиҳалари доирасида уч йил давомида кўкрак бези саратони ташхиси қўйилган 300 нафардан зиёд хотин-қиз умумий қиймати 900 миллион сўмдан ошиқ дори-дармон билан таъминланди. «Ҳаёт учун!» миллий уюшмасининг ташхис қўйиш тадбирларида қарийб 20 минг хотин-қиз кўрикдан ўтказилди. Кўкрак бези саратонига чалинган икки бемор Жанубий Корея ва Исроилдаги тиббиёт клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди.

# “МИКРОКРЕДИТБАНК”: БАРҚАРОР ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

MIKROKREDITBANK

**Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.**

Давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда. Юртбошимиз йиғилишдаги маърузасида, мамлакатимизни янада обод этиш ва аҳоли фаровонлигини оширишни долзарб вазифаларимиздан бири этиб белгилар экан, бунда, энг аввало, оилаларнинг фаровонлигини таъминлашга эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда молия муассасалари, шу жумладан, “Микрокредитбанк” ОАТБ ҳам ўзининг муносиб ҳиссаси билан иштирок этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 5 майда иш бошлаган мазкур молиявий муассаса ўзининг олти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли молиявий ташкилот сифатида юртдошларимизнинг тўла ишончини қозонди. Бунинг асосий омиллари шунда эдики, банк фаолият кўламини, энг аввало, юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга қаратди.

Бугунги кунга келиб, 83 филиал, 234 та минибанк ва кўплаб агентликлари орқали турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга кенг кўламдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2011 йил якунларига кўра, банкнинг жами мижозлари сони 200 мингдан ошди. Банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 897 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди, шундан 445 миллиард сўми микромолиявий хизматларни ташкил этди. Ажратилган маблағлар эвазига мамлакатимизда 448 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

### ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА КЕНГ ЙЎЛ

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда микрокредитларнинг жуда кўп қулай томонлари бор. Фоизи кам, имтиёзли. Шунингдек, бугунги кунда оилавий тадбиркорларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Ушбу соҳанинг муҳим жиҳати, ихчам, бозор конъюнктурасига мослашувчан. Бу эса кам маблағ билан ҳам иш бошлаш ёки фаолият, ишлаб чиқариш турини ўзгартириш имконини беради. “Микрокредитбанк”да ҳар бир оилага ўзининг яшаш ҳолатини яхшилаш, кичик бўлса ҳам ўз бизнесини ташкил этиш, молиявий шароитини яхшилаш учун таъминот талаб этилмайдиган микрокредитлар бериш механизми ишлаб чиқилган. Масалан, гуруҳ кафиллиги ёки жисмоний шахснинг кафиллиги асосида микрокредитлар ҳамда фаол мижозларга ишончли кредитлар ажратиш йўлга қўйилган.

Банк ўз хизматлари билан оилавий бизнеснинг ҳақиқий кўмакчисига айланиб улгурди. Келинг, таҳлилимизни ёш оилаларга қаратилаётган эътибор билан давом эттирамиз. Банк томонидан ўтган даврда 1 минг 48 та ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 6,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Оилавий бизнес ёки оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни, фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилганлар учун эса салкам 4 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Самара эса ушбу рақамларда намоён: 1 минг 738 та янги иш ўрни. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар миқдори кичик бўлса-да, микромолиявий хизматлардан фойдаланаётган мижозлар сони юқори ҳисобланади. Жумладан, банкнинг биргина имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланаётган мижозларнинг 56 фоизи айнан кичик миқдордаги банкнинг бошланғич сармоясидан фойдаланаётган мижозларни ташкил этади.

### ЁШ ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

Банк томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда молия муассасаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси билан ҳамкорликда “Диплом билан бизнесга” номли ўқув-семинарлар ташкил этиш бўйича қўшма қарор имзоланди. Унга кўра, ўтказиладиган тадбирларнинг амалдаги самараси сифатида банк бевосита келгусида ёшларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш масъулиятини тўлиқ зиммасига олади. Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда ҳам худди шундай йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон либерал демократик партияси, Маҳалла хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қулай бизнес муҳитни яратиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Бир тадбиркор – учта ҳамкор” акцияси ўтказилиши бўйича ҳам қўшма қарор имзоланди.

Молия муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ўзининг долзарблиги билан аҳамият касб этади. Ундан кўзланган мақсад 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш. Ушбу лойиҳа доирасида бошқармалар эгаллаган касб-ҳунарлари бўйича тадбиркорлик қилиш ниятидаги ёшларнинг манзилли рўйхатини тақдим этиши, банк ўз вақтида ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши ва молиялаштириши лойиҳанинг асосий моҳиятини ташкил этади. Ушбу мақсад йўналишида 2012 йилда ажратиладиган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,2 миллард сўмга етказилиши кўзланган.

Ана шундай имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорлардан бири 19 ёшли Паризод Тўхтошевадир. У ўтган йили Хўжаобод туманидаги касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ўқиш давомида ўрганган қандолатчилик ҳунарини амалиётга жорий этди ва ихчамгина цех ташкил қилди.

– Ўқишни битириш арафасида кўпчилик тенгдошларим сингари энди қайси корхонага ишга кирсам экан, деб ўйлана бошладим, – дейди Паризод. – Шунда коллежимизда "Диплом билан бизнесга" номли семинар ўтказилди. Унда "Микрокредитбанк" ходимлари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бунинг учун яратилган имкониятлар ҳақида тушунчалар беришди. Шу тадбир боис тадбиркорликни бошлаш, бизнес режа тузиш тартибини ўрганиб олдим. Дипломни қўлимга олган кунимоқ, қандолатчиликни бошлаш мақсадида "Микрокредитбанк"ка бордим. Тезда банк томонидан йиллик фоизи бор-йўғи 3 фоизли бўлган 1 миллион 600 минг сўм микрокредит ажратилди. Бу пулларга қандолатчилик учун керак бўлган печ ва жиҳозларни харид қилиб, синглим билан ишни бошлаб юбордик. Натижа эса кутганимдан ҳам яхши бўлди. Тайёрлаган маҳсулотларимизга савдо шохобчаларидан буюртмалар кела бошлади. Шу боис, яна тўрт нафар дугонамни ҳам ишга жалб қилдим.

Касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларни эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида битирувчи ёшларга 8,7 миллиард сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Умуман олганда, “Микрокредитбанк” ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор натижасида ёшларга 94 миллиард сўм миқдорида маблағлар ажратилди.

Жорий йил 10-11 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” Республика ярамарка-савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича “BankExpo-2012” миллий кўргазмасида “Микрокредитбанк” фаол иштирок этди ва тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк” номинацияси ғолиби бўлди.

Шу ўринда бу каби ишлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳри (Голландия)да бўлиб ўтган “Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилоти”нинг (“Child and Youth Finance International”) биринчи Халқаро Саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистонинг “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик-тижорат банки ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, ёшларнинг ташаббусларини молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.

### ТАДБИРКОР АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Жамиятимизда шундай ҳунарлар борки, аёллар меҳнатисиз уларни тасаввур этиш қийин. Дейлик, тикувчилик ёки каштачилик. Уни фақатгина аёллар эплаши мумкин. Яхшигина даромад келтирадиган ушбу ҳунарларни касбга айлантираётган, ҳам оилага, ҳам жамиятга фойда келтираётган аёлларимиз бугун жамиятнинг таянчига айланиб бораётир.

Банк ишни ташкил этишда асосий эътиборни чекка ҳудудларда тадбиркорликка қизиқиши бор аёлларни излаб топишга, уларнинг имкониятларини аниқлаш, қайси касб ёки ҳунари билан тадбиркорлигини бошлаши ёки ривожлантириши мумкинлигига қаратди. Шу мақсадда сармоялар йўналтирди. Аёлларнинг тадбиркорлиги учун яратилган шароит, имконият ва имтиёзларни тарғиб этиш мақсадида ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этди. Ўтган даврда “Микрокредитбанк” тадбиркор аёлларнинг ишончини қозонди ва уларнинг яқин кўмакдошига айланди.

Олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Шарқ аёли” ва “Аёллар Кенгаши” Республика жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда қатор хайрли тадбирлар, лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси ўтган даврда тадбиркор аёллар учун 104,5 миллиард сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатишга замин яратди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг “Аёллар ривожланиш” жамғармаси (UNIFEM) ҳамкорлигида амалга оширилган “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳаси асосида қишлоқларимиздаги аёлларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларининг танланган маҳаллаларида кам таъминланган аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида 100 минг АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада микрокредитлар ажратиш лойиҳаси амалга оширилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига хонадон шароитида қорамол парвариши, тикувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, кўрпа-тўшак тайёрлаш, дўппичилик, махси тикиш каби фаолият турлари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Германиянинг жамғарма кассалари фонди кўмагида Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида якка тартибда фаолият юритаётган аёллар ҳамда оилавий тадбиркор аёллар тадбиркорлигини микромолиявий қўллаб-қувватлаш мақсадидаги лойиҳалар амалга оширилди. Улар доирасида йўналтирилган сармоялар эвазига гиламчилик, тикувчилик, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 200 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

– Гарчи туманнинг чекка ҳудудида фаолият юритсак-да, “Микрокредитбанк”нинг мададини доимо ҳис қилиб турамиз, – дейди Фориш туманидаги "FOR ТЕКС" хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраева. – Нурота тоғ тизмаларининг олис Учма қишлоғида яшаймиз. Корхонамизда жунни қайта ишлаш йўлга қўйилган. Аҳолидан жун маҳсулотлари қабул қилиб, ҳамкорларимизга калава ип ва тозаланган жун ҳамда ёнғинга қарши кигизлар етказиб берамиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим, банкдан кредит олиб, 7 та янги иш ўрни ташкил этдик. Бунинг асосий омили шундаки, кредитларнинг фоизи кам. Атиги 3 фоиз.

### ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚЛАР ИСТИҚБОЛИ УЧУН

“Микрокредитбанк” ОАТБ универсал банк сифатида иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳам кенг тармоқли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари банкнинг барча хизматларидан унумли фойдаланган ҳолда йил сайин юқори рентабелли ва молиявий барқарор хўжаликларга айланиб бормоқдалар. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш мақсадида имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатиб келмоқда. Тадбиркорлик субъектларига буюртмалар асосида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик ускуналари, замонавий медицина жиҳозлари, тикув ва тўқувчилик ускуналари, транспорт воситалари, қурилиш моллари ишлаб чиқариш минитехнологиялари етказиб берилмоқда. Банкнинг молия бозоридаги фаолияти давомида банк кичик кредитлари ҳисобига фаолиятини кенгайтириб, доимий иш ўринлари яратишга эришган тадбиркорлик субъектлари сони ошиб борди. Улар истиқболли лойиҳаларини банк билан ҳамкорликда рўёбга чиқариб, чет давлатларда ҳам ўз ҳамкорларини топишмоқда. Масалан, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида фаолият юритаётган "Didosa Paint" масъулияти чекланган жамияти банкнинг имтиёзли ресурси ҳисобига минитехнология харид қилиб, лок бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мазкур кредит ҳисобига 22 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бугунги кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Тошкент вилояти Зангиота туманида Ўртовул қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган “Асли ГМ” хусусий корхонаси банк томонидан кўрсатилган имтиёзли микролизинг ҳисобига замонавий жиҳозлар харид қилиб, бугунги кунда аҳолига сифатли турли хилдаги тайёр кийимлар етказиб бермоқда. 114 нафар аёлларни иш билан таъминлаган корхонанинг сифатли маҳсулотлари чет давлатларда ҳам ўз харидорларини топган. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотининг 81 фоизи четга экспорт қилинмоқда.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЭЪТИРОФЛАР

“Микрокредитбанк” томонидан халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг кредит линиялари ва грантларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. Банк тизимига жалб қилинган хорижий инвестиция маблағлари, хусусан, Жаҳон банкининг “Қорақалпоғистон Республикасида пиллачиликни ривожлантириш”, Халқаро Тараққиёт уюшмасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қуватлаш. II-босқич”, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ҳудудларни комплекс ривожлантириш”, Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари учун жалб қилинган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган ва тадбиркорларнинг қарийб 10,5 миллиард сўм миқдоридаги лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, 2012 йил давомида Халқаро Тараққиёт уюшмасининг 12,5 миллион АҚШ доллари, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг (IFAD) 10 миллион АҚШ доллари, Германия тараққиёт банкининг (KfW) 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияларини жалб қилиш ҳамда улар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг март ойида Халқаро “Fitch Ratings” агентлиги банкнинг кредитга лаёқатлилик даражаси учун тақдим этган “Барқарор” рейтингини 2012 йилги прогнозлар бўйича яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, бугунгача “Микрокредитбанк”ка Халқаро ижтимоий йўналишдаги “MICRO-FINANZA RATING” компанияси томонидан халқаро меъёрларга мувофиқ “$^{S}$BB” – “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ҳамда зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтинг тақдим этилди.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — “MIX-MARKET” агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кириб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилгани, "Осиё банкирлари уюшмаси" аъзолигига қабул қилингани, “Микрокредитбанк”нинг халқаро доирадаги обрўйи тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бостон (АҚШ)да нашр этиладиган “Микрокапитал бозори ахборотномаси” журнали томонидан чоп этилган рейтингга кўра, Марказий Осиё ва Европадаги 151 та микрокредит банклари ичидаги энг яхши 10 та банк орасида “Микрокредитбанк” ОАТБ 5-ўринни эгаллагани эса нафақат мазкур молия муассасасига, балки мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг нақадар тўғри эканлигига берилган юксак баҳодир.



*Тадбиркор Умиджон Бибитов банкнинг Жарқўрғон филиалидан имтиёзли кредит олиб, фаолият бошлаган эди. Асосан, эркаклар кийимини тикишни йўлга қўйган тадбиркор қисқа фурсатда кўплаб мижозлар эътиборига тушди. Ҳозир у шогирдлари кўмагида эркаклар учун турли хилдаги костюм-шим, кўйлак ва тўй либосларига кўплаб буюртмалар олмоқда.*



*Улуғнор туманидаги Янгиобод маҳалласида яшовчи Хадичахон Исмоилованинг тикувчилик цехида амалиёт ўтаётган Мингбулоқ агросаноат касб-ҳунар коллежининг етти ўқувчиси ёстиқ ва кўрпа жилдлари, аёллар учун замонавий ва миллий либослар тикиш бўйича маҳорат сирларини ўрганмоқда.*



*Самарқанд туманидаги «Зулфия» хусусий корхонасига “Микрокредитбанк”нинг молиявий кўмагида ёғочни қайта ишлаш ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган технологиялар келтирилди. Натижада йигирмадан ортиқ турдаги сифатли мебель маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.*

**Ўзининг олти йиллик фаолияти давомида “Микрокредитбанк” мижозларнинг – тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори, молиявий мададкорига айланди. Муҳими, кўплаб ташаббусларнинг юзага чиқишига кўмакдош бўлди. Олти йил давомида банк жамоаси яратувчилик йўлида улкан марраларга эришиш, янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида фаолият юритди. Бундан кейинги мақсадлар ҳам ана шундай – мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.**

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Саҳифада ЎзА суратларидан фойдаланилди.

